O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 30 декабрь, № 254 (4153) Шанба

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ШОДИЁНАЛАРИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида анъанавий "Президент арчаси" шодиёналари бошланди. Шу муносабат билан бу ерга серфарзанд, кам таъминланган оилалар ўғил-қизлари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари таклиф этилди.

Ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар айнан шу эзгу мақсадга хизмат қилаётир. Ижтимоий адолат, бағрикенглик, инсонпарвалик тамойиллари амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда унинг мантиқий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури янги таълим масканлари барпо этиш, мавжудларини капитал ва жорий таъмирлаш, уларни замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш баробарида ўғил-қизларга пухта ва мукаммал таълим-тарбия олиш имконини бермоқда. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида аввалги йилларда бошланган эзгу ишлар изчил давом эттирилиб, уларни янги, юксак босқичга кўтаришга йўналтирилган чора-тадбирлар, лойиҳалар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари томонидан Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган 2007 йилда бундай хайрли ишлар қўлами янада кенгаяди.

...Саҳнада Қорбобо ва Қорқиз, турли эртаклар қаҳрамонлари пайдо бўлади. Байрамга атаб саҳналаштирилган «Мўъжизалар бор экан!» томошаси болаларга катта қувонч бағишлайди. Эстрада юлдузлари, цирк усталари, «Томоша» болалар студияси, моҳир ижрочилар, болалар бадиий жамоалари иштирокидаги мусиқий дастурларни ҳам шодиёна иштирокчилари қувонч билан кутиб оладилар. Тадбир болажонлар ижросидаги «Президент арчаси» қўшиғи билан якунланади.

Байрамда иштирок этган барча ўғил-қизларга Президент совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Иномова, Р.Қосимов иштирок этди.

"Президент арчаси" шодиёналари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда давом этмоқда.

* * *

Қорақалпоғистон Республикаси Ҳомийлар ва шифокорлар йилини барча жабҳаларда залворли натижалар билан якунламоқда. Нукусдаги Ғарезсизлик, яъни, Истиқлол майдонига ўрнатилган Президент арчаси атрофига иқтисодий ислоҳотларда ва мамлакатни модернизация қилишда фаол қатнашаётган фермерлар, тадбиркорлар, зиёлилар оилаларининг ширин-шакар дўмбоқчалари, бахтли болалик соҳиблари тўпландилар.

Президент арчасида Хўжайлидаги 1-сон Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари гуруҳига алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатилди. 2005 йилнинг 21 сентябрида Президент Ислом Каримов Меҳрибонлик уйида бўлган, мурувват масканини янада гўзал, ихчам, қулай қилиш юзасидан аниқ кўрсатмалар берган эди. Айни кунда бу ердаги 153 нафар ўғил-қизларнинг бахтли яшаши, чуқур таълим ва тарбия олиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Меҳрибонлик уйи гуруҳи Ғарезсизлик майдонига Президент боболари туҳфа қилган улов — «Самқочавто» русумли автобусда келдилар. Арча айёмида энг пешқадам болалар фольклор-этнографик жамоалари, санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг чиқишлари намойиш этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида, Вазирлар Кенгаши, шаҳар ва туман ҳокимликларида эртанги куннинг эгаларига Президент совғалари топширилди. Уларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари М. Ерниязов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Янгибоев топширди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сарвар ҲУРМОНОВ олган суратлар.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Жаноби Олийлари,

Қурбон ҳайити нишонланаётган файзли дамларда Сизга Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан самимий табрикларни йўллайман.

Аллоҳ таборака ва таоло дунё мусулмонларига барака ато этиб, ўзаро дўстона муносабатлар ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашда мададкор бўлсин.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз. Сизга доимий мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилаб қоламан.

Сусило Бамбанг ЮДҲОЁНА,
Индонезия Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Бугун мусулмонлар муборак Қурбон ҳайитини нишонлаётган онларда Сиз, Жаноби Олийларига Тунис халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан энг самимий табрик ва холис истакларни йўллашдан бениҳоя мамнунман. Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст ўзбек халқига фаровонлик ва равнақ тилайман.

Аллоҳдан бундай бахтиёр айёмларни барчамизга яхшилик ва баракотлар ила такрор қилишини, халқларимиз манфаати ва келажаги йўлидаги муштарак саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлашини сўраб қоламан.

Зайн ал-Обидин бин АЛИ,
Тунис Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ислом аҳли учун муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллайман.

Ушбу фазилатли айёмда Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

Али Абдулло СОЛИҲ,
Яман Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қурбон ҳайити кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Туркия халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт, Ўзбекистон халқига эса осойишталик ва фаровонлик тилайман.

Аҳмет Неждет СЕЗЕР,
Туркия Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Муқаддас байрам — Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни ва Сиз орқали Ўзбекистоннинг барча мусулмонларини чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Муборак Қурбон ҳайити кириб келиши муносабати билан менинг самимий табрик ва эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, соғлиқ, бахт ва муваффақият, дўст Ўзбекистон халқига фаровонлик ва тараққиёт тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

Имомали РАҲМОНОВ,
Тожикистон Республикаси Президенти.

(Давоми 2-бетда).

ЭШИТДИНГИЗМИ ?

Якунланаётган 2006 йилда Ўзбекистонда мобиль алоқа тизимидан фойдаланувчи абонентлар сони 2 миллион 500 мингни ташкил этиши кутилмоқда. Жорий йилнинг 1 январида бу кўрсаткич 1 миллион 150 минг нафар абонентга тенг эди. Демак, бир йилги ўсиш суръати 2,17 бараварга ошганлиги қайд этилди.

Қирқиш чизиғи

билан тўлдирилсин:

«қишлоқ хўжалиги (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик) маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сақлаш учун фойдаланиладиган мол-мулкнинг»;

11) **93-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган нормалар доирасида пенсионерларнинг, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларининг»;

12) **102-модда учинчи қисмининг 4-банди** чиқариб ташлансин;

13) **108-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенг тарқалган фойдали қазилмалар қазиб олишни ўзларига берилган ер участкалари доирасида хўжалик ва маиший эҳтиёжлар учун белгиланган тартибда амалга ошираётган ер эгалари ҳамда ердан фойдаланувчилар ер остидан фойдаланганлик учун солиқдан озод қилинади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 29 декабрь
№ ЎРҚ — 74

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2006 йил

Қирқиш чизиғи

га тўланади, қуйидагилар бундан мустасно:

1) юридик шахслар учун:

ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлари томонидан бажарилган (кўрсатилган) ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи;

акциз солиғи (акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда);

ер остидан фойдаланганлик учун солиқ;

божхона тўловлари;

давлат божлари;

айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим;

ягона ижтимоий тўлов;

давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар (ягона солиқ тўлови тўловчилар бундан мустасно);

олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғим;

2) якка тартибдаги тадбиркорлар учун:

акциз солиғи (акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда);

ер остидан фойдаланганлик учун солиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (тадбиркорлик фаолияти учун сув ресурсларидан фойдаланилганда);

ер солиғи;

мол-мулк солиғи;

божхона тўловлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

давлат божлари;

олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғим.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўлловчи юридик шахсларда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлов манбаида ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ўтказиш мажбуриятлари ҳам сақланиб қолади.

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан кончилик саноати тармоқларининг айрим корхоналари учун устама фойда солиғи тўланишини назарда тутадиган фойданинг бир қисмига солиқ солишнинг алоҳида тартиби жорий этилиши мумкин.

Маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажаришда қатнашаётган инвесторларга, уларнинг пудратчиларига ва иккиламчи пудратчиларига солиқ солиш «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан белгиланади.

Солиқ солишнинг ушбу моддада назарда тутилган хусусиятларига эга бўлган юридик шахслар солиқ солиниши мақсадидан келиб чиқиб, тегишли фаолият турларининг алоҳида бухгалтерия ҳисобини юритишлари шарт»;

2) **19-модда биринчи қисмининг:**

тўртинчи хатбошисидаги «(банкларнинг, кредит уюшмалари, суғурта ташкилотлари, видеосалонларнинг, видеокўрсатув, видео ва аудио ёзув пунктларининг, аукционлар, казиноларнинг, оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказувчи ташкилотларнинг харажатлари бундан мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўн учинчи хатбошисидаги «қонун қужжатларига мувофиқ нормалар бўйича» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўн бешинчи хатбошисидаги «маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасдиқлаган нормативларга мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **31-модданинг биринчи қисми 16** ва **19-бандлари** ҳамда **иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

4) **32-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республика-

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга самимий табриклар йўллайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик ва хуш кайфият, Ўзбекистон халқига бардавом тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Абдуллоҳ II бин ал-ҲУСАЙН,
Иордания Подшоҳи.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муқаддас Қурбон ҳайити нишонланаётган онларда Сизга, Ўзбекистоннинг халқи ва ҳукуматига Фаластин халқи, раҳбарияти ва шахсан ўз номимдан самимий табрикларни йўллашдан мамнунман.

Ушбу муборак айёмда Аллоҳдан Сизга ва мамлакатингиз халқига хайр-баракот ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Яна бир бор табрикларимни изҳор этган ҳолда шахсан Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига омонлик ва равнақ тилаб қоламан.

Маҳмуд АББОС,
Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси, Фаластин Миллий ҳокимияти раиси.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Жаноби Олийлари,

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу истакларимни йўллаш шарафига муяссарлигимдан бахтиёрман. Қодир Аллоҳдан Сизга халқингиз келажаги йўлида тинмай олиб бораётган саъй-ҳаракатларингизда мададкор бўлишини сўрайман.

Ушбу қутлуғ айёмда Яратган Ҳақ таолодан Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, хурсандчилик, Ўзбекистон халқига қут-барака ва фаровонлик, барча мусулмонларга ҳамжиҳатлик ва тараққиёт ато этишини тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Акмалиддин ЭҲСОН ўғли,
Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Сизни ва Ўзбекистон Республикасининг барча мусулмонларини улуғ байрам — Қурбон ҳайити билан чин юракдан табриклайман.

Асрлар давомида мусулмонлар инсониятнинг бой маданий ва маънавий қадриятлари ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бу дўстлик ва ўзаро ҳурмат муносабатларининг ютуғидир.

Бундай нурафшон байрам кунларида Сизга ва Ўзбекистон халқига соғлик, бахт, тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Муртазо РАҲИМОВ,
Бошқирдистон Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Ислом динининг тинчликпарварлик, хайр-саховатлилик, ўтган аждодларни хотирлаш каби олижаноб ғояларини мужассамлаштирган муқаддас Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни ва Сиз орқали Ўзбекистоннинг барча мусулмонларини самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ кунда Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Мурат ЗЯЗИКОВ,
Ингушетия Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент Жаноби Олийлари!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Сизни ва гўзал диёримиз фуқароларини қутлуғ айём — Қурбон ҳайити муносабати билан улуғ ҳаж ибодатини адо этиш бахтига мушарраф бўлаётган ўзбекистонлик ҳожилар номидан самимий муборакбод этамиз.

Истиқлол шарофати билан юртимиз мусулмонлари ислом динининг барча арконлари, хусусан, ҳаж амалларини эмин-эркин бажариш имкониятига эга бўлдилар. Ҳозирда ҳар йили беш мингдан ортиқ юртдошларимиз бундай муборак сафарга бориш шарафига муяссар бўлмоқдалар.

Айни кунда, юртимизда ҳукм сураётган барқарорлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик — буларнинг барчаси мамлакатимиз раҳбариятининг оқилона сиёсати натижаси эканини янада теранроқ идрок этмоқдамиз.

Биз, ўзбекистонлик ҳожилар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара каби муқаддас заминларда туриб, юртимиз тинч, халқимиз фаровон, "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинган янги 2007 йил элимиз учун хайру баракотли бўлишини Яратгандан илтижо қилиб сўрамоқдамиз.

Сизга, муҳтарам Президент Жаноблари, Аллоҳ таолодан мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат тилаб, халқимизни ва серқуёш диёримизни ҳамиша ўз паноҳида асрашини



сўраб дуолар қилиб қоламиз.

Ўзбекистонлик ҳожилар номидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ.

Саудия Арабистони,
Макка шаҳри, Арафот водийси,
2006 йил 29 декабрь

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Бозор муносабатларидаги таркибий ўзгаришлар чуқурлашуви аҳолининг турмуш даражасига таъсир кўрсатиши табиий ҳол. Шу сабабли давлатимиз ижтимоий муҳофаза воситаларини янада мустаҳкамлаш учун изчил иш олиб бормоқда. Мамлакат ижтимоий сиёсатининг туб моҳияти халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш, иқтисодий, маданий-маърифий қудратини оширишга қаратилмоқда. Пировардида ҳар бир инсон ўз қобилиятини, истеъдодини, ҳунарини намойиш этиш имкониятини қўлга киритмоқда.

ДИЛ КЎЗИМИЗ РАВШАН

Ҳукуматнинг инсон манфаатларини ҳимоя этиш баробарида шахс имкониятларини юзага чиқариш борасида амалга ошираётган ислоҳотлари ҳар биримизни қувонтиради. Кўриш бўйича ногиронлар ҳам жисмоний камчиликлари бўлишига қарамай, ҳаётнинг турли жабҳаларида муваффақиятга эришиб, кўплаб соғлом кишиларга ўрнак бўла олиши, тўрт мучаси соғлар қилолмаган ишларни бажара олиши таҳсинга лойиқдир. Ногиронлар шу йўл билан ўз интеллектуал қобилиятлари ва касбий имкониятларини намойиш этадилар.

Мустақил ривожланиш шароитида ўтаётган ҳар бир йилимизни Ватан ва инсон бахт-саодати, озодлиги ва фаровонлигига боғлаб бирор муҳим қадрият билан белгилаш ҳаётимизнинг эзгу қонунияти бўлиб қолди. Яқин ўтмиш мисолида сўз юритадиган бўлсак, 2004 йилнинг Меҳр-мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан белгиланган дастурга кўра Жиззах шаҳрида 1,3 млрд. сўмлик кўзи ожизлар учун "Меҳрибонлик шаҳарчаси" барпо этилди. Унинг таркибидан 150 нафар кўзи ожиз ўқувчига мўлжалланган барча қулайликларга эга замонавий интернат-мактаб ўрин олди. Айни шаҳарчадаги Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти корхонаси, унинг маъмурий биноси реконструкция қилиниб, янгидан жиҳозланди. Кўриш бўйича ногиронлар истиқомат қилаётган иккита турар жой бинолари таъмирланди. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Хуллас, кўзни қувнатувчи кўркам шаҳарча қад ростлади. Айни йил муносабати билан ўқув ишлаб чиқариш корхоналаримизга республика давлат Дастурида кўзда тутилганига мувофиқ 333 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида корхоналаримиз ишлаб чиқариш қувватини бирмунча ўстиришга эришилди. Тизимимиз бўйича ишлаб чиқариш режаси 2005 йили 2,5 млрд. сўмлик қилиб белгиланганидан ҳолда, у йил якунига бориб 4,1 млрд. сўмликка бажарилди. 2006 йилнинг 11 ойи мобайнида эса 5,1 млрд. сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган "Бир сафда" журнали бўртма ёзувлар орқали кўзи ожизларнинг маънавий дунёқарашлари ўсиши, уларнинг ҳаёт тарзларининг фаоллашувига ҳисса қўшиб келмоқда. Жамият аъзоларининг инсоний ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялаш ишига хизмат қилмоқда.

2007 йилни мамлакатимиз раҳбари эзгу ният билан Ижтимоий ҳимоя йили деб атаганларини зўр қониқиш билан кутиб олдик. Қайд этиш жоизки, ҳукуматимиз томонидан ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларнинг талаб ва эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратиш устувор вазифа қилиб қўйилмоқда. Уларнинг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш, бу тоифадагиларни дори-дармонлар ва махсус муолажа билан таъминлаш масалалари кўриб чиқилмоқда. Ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга жалб этиш учун уларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олиб ўқитиш ва ишга жойлаштиришни ташкил этиш устида бош қотирилмоқда. Бу ишларга хайрия ташкилотлари, давлатга қарашли бўлмаган жамғармалар, тадбиркорлар ва ҳомийлар маблағлари жалб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ижтимоий ҳимоя йили давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2006 йил 12 декабрдаги фармойишида "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури концепциясини тайёрлаш, ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақаланган ҳолда ёндашувни кучайтириш мақсадида ҳуқуқий норма ва қоидаларни белгилаб берувчи янги қонун ҳужжатлари рўйхатини ишлаб чиқиш, махсус интернат-мактаблар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ночор оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ ва самарали ижтимоий ёрдам кўрсатишни амалга ошириш, уларнинг эҳтиёжларини янада тўлиқ қондирилишини таъминлаш, ёрдамга муҳтож одамларга беғараз кўмак кўрсатиш каби масалаларга асосий эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти кўриш бўйича ногиронларнинг ижтимоий даражасини яхшилаш, уларни моддий қарамликдан озод этишга эришиш, шунингдек, жамият аъзолари ижтимоий кўникмасини ривожлантириш каби вазифаларни бажариш йўлидан оғишмай боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ёқубжон ЖАВЛОНОВ,
Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти марказий бошқаруви раиси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Реклама тўғрисида"ги Қонуннинг Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясидаги ижроси муҳокама этилди.

Реклама ва қонун талаби

Мазкур қўмита раиси Х. Дўстмуҳамедов бошқарган йиғилишда қўйи палата депутатлари, марказий газеталарнинг бош муҳаррирлари, журналистлар ҳамда экспертлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясида ушбу Қонуннинг ижроси юзасидан бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Бироқ, эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Сўзга чиққанлар шу хусусда фикр билдириб, сўнгги пайтда Қонундаги баъзи моддалар талабларининг бузилиши ҳолатлари учраётганлигини таъкидладилар. Масалан, 2006 йил 16 декабрь куни "Ёшлар" телерадиоканали томонидан эфирга узатилган "Қўшиқ кодини SMS орқали 4747 рақамига юбор" мазмунидаги рекламада хизматлар лицензияланганлиги юзасидан маълумот мавжуд эмас. Шу билан бир қаторда мазкур рекламада кўрсатилган "Милана" вермишеллари ва "SIM SIM" соклари сертификатланганлик тўғрисидаги тегишли маълумотларсиз берилган. Худди шу сингари "Дунё таомлари" кўрсатуви ўртасида тарқиб қилинган "Моя мечта" маҳсулотларининг мувофиқлик сертификатлари юзасидан ҳам маълумотлар берилмаган. Натижада ушбу ҳолатлар "Реклама тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддаси 2-бандининг бузилишига сабаб бўлган. Айни шу модда талабларининг бузилиши ҳоллари қолган телерадиоканалларда ҳам учраб турибди.

Йиғилишда Миллий Телерадиокомпания раиси А. Хўжаев сўзга чиқиб, умуман, бугунги кунда рекламага нисбатан талабнинг ортиб бораётганлиги ва айни шу ҳолат баъзи қийинчиликлар туғдираётганлигини, шу боис, соҳада мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурлигини қайд этди.

Қизғин фикр алмашувлар билан ўтган тадбирда ушбу масалалар юзасидан қўмитада ишлаб чиқилган тавсиялар ўқиб эшиттирилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

Пойтахт аҳлига байрам туҳфалари



Байрамлар арафасида миришкорларимиз томонидан шаҳар аҳлига ўзига хос совға тақдим этиш анъанага айланган. Буни шу кунларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят марказларида ташкил этилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркалари мисолида кўриш мумкин.

Айни дамда пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги "Фарҳод" бозорида фаолиятини давом эттираётган ярмарка юртдошларимиз дастурхонини безаши билан бирга, бозорлардаги нарх-навонинг сунъий равишда ошиб кетишига йўл қўймаяпти. Бу ярмаркада Андижон вилоятидан келган миришкорлар қатнашмоқда.

— Ҳар ойда 1000 тоннадан зиёд сифатли маҳсулотни арзон нархларда сотмоқдамиз, — дейди вилоят вакили Камолиддин Ҳамидов. — Ушбу ярмаркалар мамлакатимизда биз, фермерлар учун яратилаётган кенг имкониятларнинг бир маҳсули, деб биламан.

Мазкур ярмаркада вилоятнинг Олтинкўл, Балиқчи, Шаҳрихон, Жалақудуқ, Избоскан, Марҳамат, Қўрғонтепа туманларидан келган деҳқонларнинг иштироклари алоҳида эътиборга сазовор бўлмоқда.

— Янги йил дастурхонига мева ва сабзавот маҳсулотларини шу ярмаркадан сотиб олдим, — дейди Аминбой Давлатов. — Чунки маҳсулотнинг сифати ва арзонлиги менга жуда маъқул келди.

О. ФАЙЗИЕВ.
А. ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.



Қирқиш чизиғи

си Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга» деган сўзлар «асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **34-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бажарган ишларидан, кўрсатган хизматларидан олган даромадлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги манбалардан олинган даромадларга кирмайди»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

6) **55-модда биринчи қисмининг жадвали** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Жами даромад миқдори	Солиқ суммаси
энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоригача	даромад суммасининг 13 фоизи
энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача	энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинадиган солиқ + беш баравaридан ошадиган суммaнинг 18 фоизи
энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдоридан	энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ + ўн баравaридан ошадиган суммaнинг 25 фоизи

6

Буклаш чизиғи

259, 260-моддалар, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**8-модда. Айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга** солиқ солиш хусусиятлари

Ушбу Кодекс ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари билан белгиланган айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун солиқ солишнинг қуйидагиларни тўлашни назарда тутувчи соддалаштирилган тартиби қўлланилиши мумкин:

1) ягона солиқ тўловини;

2) ягона ер солиғини;

3) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқни.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар солиқ солишнинг ягона солиқ тўлови тўлашни назарда тутувчи соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган тартибдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашни танлашга ҳақли, ушбу моддaнинг учинчи, тўртинчи ва тўққизинчи қисмларида назарда тутилган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно.

Алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўлови тўлашга ўтишга ҳақли эмас.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, лотереялар, тоализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш доирасида фаолият кўрсатадиган юридик шахслар, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ягона солиқ тўлови тўлайдилар ҳамда умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтишга ҳақли эмас.

Ягона солиқ тўлови тўловчилар ягона солиқ тўловини бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасига, бироқ бир вақтнинг ўзида эллик физдан кўп бўлмаган миқдорга камайтирган ҳолда қўшилган қиймат солиғи тўлашга ҳақлидилар.

Ушбу моддaнинг биринчи қисмида кўрсатилган солиқлар барча умумбелгиланган тартибдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўрни-

3

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 29 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар, № 12, 415, 416-моддалар; 2006 йил, № 6,

2

Буклаш чизиғи

7) **57-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бажарган ишларидан, кўрсатган хизматларидан олган даромадлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги манбалардан олинган даромадларга кирмайди»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

8) **64¹-модда** чиқариб ташлансин;

9) **71-модда**:

биринчи қисми:

20-бандидаги «тиббий» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **35** ва **36-бандлар** билан тўлдирилсин:

«35) тиббий (ветеринария) хизматлар (косметология хизматлари бундан мустасно), шунингдек тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган дори-дармон воситалари ва буюмларни, шу жумладан мазкур восита ва буюмларни ишлаб чиқарувчилар томонидан уларни реализация қилиш оборотлари;

36) ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилиш оборотлари»;

иккинчи қисмининг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган дори-дармон воситалари (ветеринария препаратлари) ва буюмлар, шунингдек тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган дори-дармон воситалари ва буюмлар ишлаб чиқариш учун олиб кирилаётган хом ашё»;

10) **92-моддaнинг биринчи қисми**:

саккизинчи ва **тўққизинчи хатбошилари** чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши**

7

ЖАҲОН 24 соат ичида

Россия Президенти мамлакат федераль идоралари раҳбарларининг ойлик маошини янги йилдан бошлаб ошириш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Бунга раҳбарлик лавозимларини қисқартириш эвазига эришилади. Сўнгги маълумотга кўра, мамлакат федераль идораларида 590 минг ходим ишлайди. Бутун давлат идораларини қўшиб ҳисоблаганда, уларнинг сони 1,46 миллион нафарни ташкил этади.

Украинанинг аксарият аҳолиси мамлакат бош вазири Виктор Януковични йилнинг энг яхши сиёсатчиси деб билади. Бу ҳақда «Украинская правда» газетаси ўтказилган ижтимоий тадқиқот натижаларига таяниб хабар тарқатди. Респондентларнинг 26 фоизи Януковичга, 19,2 фоизи Юлия Тимошенкога ҳамда 8,6 фоизи Виктор Юшченкога овоз берган.

2006 йилда Исроил ҳарбийлари томонидан ўтказилган жанговар ҳаракатлар чоғида 660 нафар фаластинлик ҳалок бўлган. Шундан 322 нафари тинч аҳоли вакилларидир. «Б'Тсилем» инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилот эълон қилган маълумотга кўра, бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан уч баравар кўп. Ачинарлиси, қурбон бўлганларнинг 141 нафари ўсмирлардир.



Европа Иттифоқи «Газпром» ва Беларусь ҳукуматига мурожаат қилиб, томонларни газ етказиб бериш юзасидан тузилган шартномани тезроқ имзолашга чақирди. Еврокомиссия вакили Андрис Пиебалгснинг сўзларига қараганда, агар томонлар бир келишувга эришмаса, Европага газ етказиб беришда узилишлар содир бўлиши мумкин.

Сомалида ҳукуматга тегишли ҳарбий кучлар мамлакат пойтахти Могадишони назорат остига олдилар. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Муҳаммед Али Геди расман маълум қилди. Аммо ҳозирда пайшанба куни Сомалига бостириб кирган Эфиопия аскарлари мамлакатда қолиш-қолмаслиги номаълумлигича қолаяпти.

Испания ҳукумати мамлакатга 2007 йилда ЕИга аъзо бўлмаган давлатлардан қонуний асосларда 180 мингга яқин муҳожирни қабул қилиб олиши мумкин. Энг кўп Лотин Америкаси ва Африкадан Испанияга ишчи кучи оқиб келиши кутилаяпти. 2005 йилда мамлакатда ноқонуний муҳожирларга қўлланилган амнистия туфайли 1,5 миллион нафар хорижликка ишлашга рухсат берилганди. Жорий йилнинг охирги тўққиз ой мобайнида яна 150 минг муҳожирга мамлакатда қонуний яшашга изн берилди.



Рио-де-Жанейро кўчаларида жиноий гуруҳлар томонидан автобуслар ва полиция участкаларига давомли ҳужумлар амалга оширилмоқда. Сўнгги маълумотга кўра, тўқнашувлар чоғида камида 15 киши ҳалок бўлган. Ҳукумат вакилининг маълум қилишича, мамлакатдаги жиноий гуруҳларга қарши олиб борилаётган амалиётларга жавобан жиноятчилар шу тариқа ўзларининг норозиликларини билдиришмоқда. Бир неча кўчаларда жангарилар билан отишмалар бўлиб ўтаяпти.



«Аэрофлот»нинг Москвадан Женевага йўл олган самолёти Прагага фавқулодда қўнишга мажбур бўлди. Кутилмаганда йўловчилардан бирининг экипаж аъзоларига агар самолёт йўналишини ўзгартирмаса, «портловчи ускунани ҳаракатга келтириб юбораман» дея таҳдид қилгани бунга сабаб бўлди. Ҳаво лайнери бортида камида 100 киши бўлган. Барчани қўрқувга солган йўловчи, 1974 йилда туғилган Евгений Дагаев тез орада қўлга олинган.



Эроннинг адлия вазири Жамол Карими-Рад пайшанба куни автоҳалокат сабаб қурбон бўлди. Бу маълумотни «ИРНА» ахборот агентлиги расман тасдиқлаб хабар тарқатди. У бир пайтнинг ўзида мамлакат суд ҳукуматининг матбуот котиби лавозимида ҳам ишларди. Манбада айтилишича, вазир кетаётган автомобиль Теҳрон ташқарисида кутилмаганда юк машинасига урилиб кетган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди



АМЕРИКА ХАЛҚИ НОМИДАН АҚШНИНГ ЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ СИЗНИ ЯНГИ ЙИЛ ВА ҚУРБОН ҲАЙИТИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ. ДЎСТЛИК ВА МУҲАББАТ ИЛА, СИЗ ВА ОИЛАНГИЗГА ТИНЧЛИК, СОҒЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙМИЗ.

ОТ ИМЕНИ АМЕРИКАНСКОГО НАРОДА ПОСОЛЬСТВО США В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ЖЕЛАЕТ ВАМ И ВАШЕЙ СЕМЬЕ СЧАСТЛИВОГО НОВОГО ГОДА И ПОЗДРАВЛЯЕТ С ПРАЗДНИКОМ КУРБАН ХАЙИТ. В ЗНАК ДРУЖБЫ И ЛЮБВИ ЖЕЛАЕМ ВАМ И ВАШИМ БЛИЗКИМ МИРА, ЗДОРОВЬЯ И ПРОЦВЕТАНИЯ.

ON BEHALF OF THE AMERICAN PEOPLE, THE EMBASSY OF THE UNITED STATES OF AMERICA IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN WISHES YOU A HAPPY NEW YEAR AND A BLESSED QURBON HAYIT. WITH FRIENDSHIP AND FONDNESS, MAY YOU AND YOUR FAMILY ENJOY LASTING PEACE, HEALTH AND PROSPERITY.

Vetdori

ВЕТЕРИНАРИЯ ДОРИ-ДАРМОНЛАРИ УЛГУРЖИ САВДОС

ҳамюртларимиз ва юртимиз меҳмонларини кириб келаётган

Янги — 2007 йил ва Курбон ҳайити

билан чин кўнгилдан муборакбод этади.

Янги йилда янги зафарлар, янги қувончлар ҳамроҳингиз бўлсин.

Тошкент ш., Темирйўлчилар к., 165-уй
Тел./факс: 191-76-12.

«БЕКОБОДЦЕМЕНТ» ОАЖ

ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳли ва меҳмонларини, ишбилармон ва ҳамкорларни кириб келаётган

Янги йил

байрами билан самимий муборакбод этади.

Янги — 2007 йилнинг ҳар бир лаҳзаси барчангизга тўкис қувонч ва шодликлар ҳадя айласин! Янги йилингиз билан!

КАБЕЛЬ-СИМ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ

"O'ZKABEL" OAJ QK

Сизни чин қалбдан яқинлашиб келаётган муқаддас айём — Курбон ҳайити ва Янги — 2007 йил билан муборакбод этади! Мустаҳкам соғлик, омад сизга ҳамиша ёр бўлсин. Янада гуллаб-яшнашингизга тилакдошмиз!

Янги йил эшик қоқди, Уйингиз бахтга тўлсин. Орзу-умидлар бу йил Албат рўёбга чиқсин!

Тошкент ш., Ф. Хўжаев кўч., 2. Тел./факс: (+99871) 162-02-86, 162-13-33
www.uzkabel.uz

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

«TOShShAHARNUR»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

барчангизни

Курбон ҳайити ва Янги йил

байрами билан муборакбод этиб,

СИЗЛАР УЧУН ЯНГИ НОЗИМЛИК ХИЗМАТИ ОЧИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

ШАҲРИМИЗ КЎЧАЛАРИ, МАҲАЛЛАЛАРИ ВА МАВЗЕЛАРИНИ ТУНГИ ЁРИТИШ БЎЙИЧА ФУҚАРО ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

132-20-20, 150-21-21.

«O'ZAGROSUG'URTA»

Davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi

жамоаси

Ўз мижозларини, бутун мамлакатимиз аҳолисини кириб келаётган

ЯНГИ — 2007 ЙИЛ

билан самимий табриклайди.

Барчага соғлик-саломатлик, ишларига ривож ва бахт-саодат тилайди.

Мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган 2007 йил қут-баракали келсин. Фермерларимиз етиштираётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари янада кўпайсин. Пахта хирмонлари баланд бўлиб, халқимизнинг уйи донга тўлсин. «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиб, деҳқонларнинг ҳақиқий мададкори бўлаётганлигидан фахрланади.

«ЕМЕК»

ЎЗБЕКИСТО-ТУРКИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон аҳлини, ўз мижозлари ва ҳамкорларини

Қурбон ҳайити ва Янги – 2007 йил билан чин дилдан кутлайди!

Мана шундай файзли кунларда бунёдкорлик йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган юртдошларимизга куч-қувват, сиҳат-саломатлик, улкан зафарлар тилаймиз. Янги йил сизларга тўкин-сочинлик, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат олиб келсин.

3781R/2722

Ватанни улуғлаётганлар

Сўнгги йилларда дунё тиббиётчилари Сиам эгизакларининг жонига оро киришмоқда. Улар бутун билими-ю маҳорати билан табиатнинг бундай машъум хатосига хотима ясашга имкон қадар ҳаракат қилишмоқда. Мамлакатимизда ҳам худди шу каби воқеа содир бўлди. Шу йилнинг 25 июлида Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида маҳаллий шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари сабаб Сиам эгизакларининг туғилиши муваффақиятли якунланди.

ЭНГ МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК ИШИ

Ўзбекистон шифокорлари томонидан муваффақиятли якунланди

Эндигина туғилган, бироқ бир-бирига бирикиб кетган Ҳасан ва Ҳусан Комилжоновларнинг умумий оғирлиги 6 кг.га тенг эди. Тақдирнинг нохуш ҳазилини қарангки, туғилган вақтидан бошлаб ҳар икки гўдак ҳам ривожланишдан тўхтади. Табиийки, бу ҳолат гўдаклар ҳаёти учун жиддий хавф-хатар туғдирарди. Шундан сўнг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан эгизакларни академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослашган хирургия марказига етказишга қарор қилинди. Ушанда бундан бошқа чора ҳам йўқ, чунки эгизаклар кўкрак қафасининг пастки ва қорин деворининг олди қисми киндик чуқурчасигача бирикиб, жигарлари бир-бирига туташиб кетган эди.

Тўғри, сиам эгизаклари республика хирургия марказига келтирилганда аҳволлари сезиларли даражада яхшиланди. Барча зарурий текширув ва даволаш амалиётлари ҳам ўтказилди. Бироқ текширув натижалари Ҳасанда туғма дилатацион кардиопатия борлиги, яъни юрак қисқариши сустлашганлигини кўрсатди. Тез орада мамлакатимизнинг етакчи шифокорлари-ю мутахассислари иштирокида консилиум уюштирилди. Бу консилиум маслаҳатлашуви эса зудлик билан Сиам эгизакларини бир-биридан ажратиш бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилишини тавсия этди. Негаки, туғма хаста бўлган Ҳасан дунё билан хайрлашиши муқаррарлиги боис Ҳусаннинг ҳаётини фақат операция йўли билан асраб қолиш керак эди.

Аммо бу шунчаки иш эмас эди. Негаки, ўтган асрнинг 50-йилларидан буён 200 га яқин бу каби амалиётлар ўтказилган бўлсада, уларнинг ҳаммаси ҳам муваффақиятли якунланмаган. Эътибор беринг, шу вақтгача бундай мураккаб жарроҳлик иши фақат АҚШ, Россия, Япония, Германия, Буюк Британия, Италия каби ривожланган давлатлардагина амалга оширилган

Қолаверса, малакали шикорларнинг фикрича, ўзбекистонлик сиам эгизларини ажратиш ишини олий тоифадаги шифокорлар амалга оширганда чақалоқлардан бири Ҳусаннинг ҳаётини сақ-қолишнинг ўзи катта эди.

Яна бир гап. Айни жарроҳликнинг мураккаб жиҳатларидан бири шунда эдки, мабодо таналарни аратиш вақтида сиам эгизаларидан бир томчи қон тўкилса, бу уларнинг ҳаёт билан видолашуви дегани эди. Бу қанчалик хатарли жарроҳлик иши бўлмасин, шифокорларимиз табиатнинг бундай мудҳиш хатосини тўғрилашга жазм қилишди. Ахир вақт ўтган сари битта жигар икки болатанаси учун етарли даражадаги вазифани бажара олиши қийин кечаётганди. Сўнгги нажот йўли фақат операция, ундан бошқа чора йўқ эди. Шундай қилинди ҳам. Буни қарангки, роппа-роса 16 соат давом этган мураккаб жарроҳлик амалиёти муваффақиятли якунланди. Гарчи орадан 7 кун ўтиб, туғма юрак пороги билан хасталанган Ҳасан ҳаётдан кўз юмган бўлса-да, ўта мураккаб ҳисобланган мазкур жарроҳлик иши инсоният тарихида энг муваффақиятли якунланган операция сифатида тарихга кирди.

Ҳа, албатта сиам эгизакларининг туғилиши тақдирнинг аччиқ қисмати, лекин тиббиётчиларимизнинг кўрсатган саъй-ҳаракатини инакам маҳорат-у мўъжизага қиёс қилиш мумкин. Айни воқеа Ўзбекистонда содир бўлганлиги янада қимматлидир.

Зеро, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, миллат саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар, янги ҳаракатлар киши кўнглига ана шундай ёруғлик олиб киради. Чуқурроқ ўйлаб қараса, республикамиз бу йўлда ҳам дунё андозаларига чиқибгина қолмай, илғор жаҳон медицинаси ютуқларидан бирига айланганлигидан далолат беради.

Демак, дунё тиббиёти тарихидаги тошларини боболаримиз қўйган бўлса, беихтиёр хаёлга «Оққан дарё қайтмас, қасдан қолмас», деган ҳикмат келади. Юртимизда қўлга киритилган ютуқлар бу йўл-ниятга, ишончга қанот бўлади, кафолат бераверади, албатта.

Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ойнинг энг яхши мақоласи

*Анъанага биноан, **декабрь** ойи якунига кўра* ***Улуғбек ЖАМШИД*** *ўғлининг*

«ЎЗБЕГИМ ДАВЛАТИН ҚУРСАК МАЙЛИМИ...»

мақоласи «Халқ сўзи» газетаси таҳририятининг эсдалик совғаси билан тақдирланади. Муаллифимизни бу муваффақият билан табриклаймиз, ижодий ишларида янги зафарлар тилаймиз.

«МИКРОН–М» ФИРМАСИ

халқимизни ва юртимиз меҳмонларини Қурбон ҳайити ва 2007 йил билан қизғин муборакбод этади.

Меҳнатсевар халқимизнинг келгуси ҳаёт ва ишларида улкан зафарлар, мустаҳкам соғлик, тинчлик-хотиржамлик тилаб қоламиз. Байрамона дастурхонингизда фирмамизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол маҳсулотларини кўришдан мамнунмиз.

Спорт

Янги Зеландияда полвонлар баҳси

Миллий спортимиз — кураш бўйича дунёнинг турли бурчакларида мусобақалар ўтказиб туриш анъанага айланиб қолди. Ана шундай турнирлардан бири Янги йил байрами арафасида Янги Зеландия кураш федерацияси ташаббуси билан уюштирилди.

Окленд шаҳрида бўлиб ўтган ушбу мусобақада 17 ёшгача бўлган 200 нафардан зиёд ёш курашчилар турли вазн тоифасида беллашишди. Мусобақага кураш бўйича кўплаб халқаро турнирлар ғолиби англиялик Жойс Моли ҳакамлик қилди.

Моли хоним курашнинг барча усулларини мукаммал ўзлаштира олган янги зеландиялик ёш полвонлар истеъдодини юксак баҳолади.

Эътиборлиси, мазкур мусобақа эндиликда анъана тусини олиб, ҳар йили ўтказилади.

М. ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сарлавҳани ўқиб, балки ажабланаётгандирсиз. Лекин хулоса чиқаришга ошиқмайлик. Биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган юртдошларимиз айнан катта спортдан узилмаган тарзда чиланғар васида хизмат қиладилар. Айнан ана шу йигитлар яқинда Дохада якунланган XV Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоасига илк олтин медалларни туҳфа этишди. Булар академик эшкак эшиш бўйича халқаро тоифадаги спорт усталари Владимир Черненко ва Руслан Наурзалиевдир. Эсингизда бўлса, қитъа Олимпиадасининг дастлабки ҳафтасидаги бўшлиқни (Осиё ўйинларининг биринчи ҳафтасида айрим спорт турлари бўйича юртдошларимиздан омад юз ўгирганди) ана шу йигитларимиз ўзларининг олтин медаллари билан тўлдиришди.

ЭЪТИРОФ

ЧИЛАНГАРДАН ЧИҚҚАН ЧЕМПИОНЛАР

Ўша куни муҳташам спорт саройида мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилди. Қалбимизни ўзгача ғурур, кайфият эгаллади.

Энди қаҳрамонларимиз фаолияти хусусида. Владимир Черненко ўн беш ёшидан бошлаб академик эшкак эшиш билан шуғулланади. Республика мусобақаларида кўп маротаба ғолибликни қўлга киритган. 2004 йили Хитойда ўтказилган Осиё чемпионати яккалик бахсларида бронза, ўша йили Москвада бўлган йирик халқаро турнирда олтин медалларига сазовор бўлган. У Афина Олимпиадаси иштирокчиси ҳам ҳисобланади. «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамиятида иш бошлаганига ҳам ўн йилдан ошаяпти. Ҳозир иккинчи разрядли чиланғар вазифасида меҳнат қилаяпти.

Иккинчи чемпионимиз Руслан Наурзалиев яқинда йигирма икки ёшни қаршилади. Унинг «Сирдарё иссиқлик электр станцияси»да меҳнат қилаётганига уч йил бўлди. Ўн уч ёшидан бошлаб эшкак эшиш спорт тури билан шуғулланади. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Ўзбекистон чемпионатида бир неча бор ғолибликни қўлга киритган. Хитойда ўтказилган Осиё чемпионатида жуфтликлар ўртасида бронза, Ҳиндистонда ўтган Осиё чемпионатида эса кумуш медали соҳиби бўлган. Афина Олимпиадасида қатнашган.

Кўриниб турибдики, айси корхона ёки муассасада спортга яхши эътибор қаратилса кутилган натижаларга эришиш мумкин. Дарвоқе, Владимир ва Руслан «Нурчи» республика касаба уюшмалари спорт клубининг аъзоларидир. Чемпионларимиз машғулотларда қатнашадиган «Эергетик» спорт клуби эшкак эшиш баасидаги имкониятларгвас қилса арзийди. Бу ерда наф профессионал спортчилар, балки иссиқлик электр станцияси ишчи, уларнинг болалари ва Сирдарёхри ёшлари ҳам машғулотларда қатнашадилар. Сўнгги беш йилда эшкак эшиш бўйича жамоа аъзоси турли мусобақаларда доимо энг кадамлар сафида юришганим бу ерда спортга берилаётган тиборнинг қандайлигини кўрсатмоқда.

— Ўз ер байроғини жаҳондаги йирик мусобақаларда юксакларга кўтариш ҳар бир спортчининг орзуси,— дейди Руслан. — Машғулотларда қатнашишинг учун шароит яратиб беришаяптими, лангда, ишхонангда муаммолар йўқ, демак, энди сен ўз ютуқларинг билан жавоб қайтаришинг керак. Яна бир нарсани эътироф этмоқчиман. Ғолиб мусобақалардан қайтганимизда корхонамиз раҳбарияти биздан ҳар олиб, эришган ютуқларимиз бинан қутлаб турмоқда. Инсонга бундан ортиқ нима керак? Энди асосий мақсадимиз Олимпиада ўйинларида ҳам совриндорлар сафидан жой олишдан иборат.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Болалар «пақилдоқ» ўйнаса, нохуш бир воқеа ёдга тушади. Ушанда тўй базми эди. Даврадагиларнинг кайфияти чоғ, ҳамма мезбонлар кўнглини овлашга интиларди. Йигитлардан бири мушакбозликни бошлаб юборди. Осмонга отилаётган мушаклардан ҳосил бўлган жилолар ажиб манзаралар касб этарди. Афсуски, мушаклардан бири ҳавода портламай, куёв жўрнинг юзига келиб урилди. Афтангори қонга беланган йигитни касалхонага олиб кетишди. Мушакбоз эса қаёққадир ғойиб бўлди. "Ўйиндан ўт чиқди" деганларидек, тантана ғамга айланди.

«ПАҚИЛДОҚ» — АСОРАТИ ЧАТОҚ

Бу воқеани эслашимиздан мурод шуки, ҳозирги кунда ҳам айрим ўсмирларнинг мақсадсиз, мантиқсиз машғулотига айланиб бораётган "пақилдоқ ўйини" аксарият ҳолатларда хунук оқибатларга олиб келмоқда. Бу, айниқса, Янги йил байрами арафасида рўй бераётгани ачинарлидир.

Бизни бир нарса ажаблантиради: наҳотки, сотувчилар ҳар хил портловчи воситаларни сотаётганларида, харидор билан тенгдош боласини кўз олдига келтирмайдилар. Ёки улар учун фойда ҳар нарсадан устунми?

Биласиз, пиротехника воситалари юртимизда ишлаб чиқарилмайди. Лекин инсон ҳаётига хавф солувчи бу воситалар мамлакатимизга қонуний тарзда кириб келаяпти. Албатта, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар томонидан бунга қарши муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги қарорига кўра, мамлакатимизга мувофиқлик сертификати бўлмаган пиротехника маҳсулотларини олиб кириш қатъиян тақиқланди. Ушандан буён республикамиз ҳудудига кириб келаётган барча турдаги транспорт воситалари ва юклар синчковлик билан божхона назоратидан ўтказилмоқда. Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари ҳамда "Чегара посбонлари" билан ҳамкорликда қонуний равишда пиротехник маҳсулотларнинг олиб кирилиши ва улар билан савдо қилинишига чек қўйиш бўйича қўшма тадбирлар уюштирилмоқда.

Долзарб мавзу

Мисол учун, Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида "Тошкент-Термиз" йўналишида ҳаракатланаётган Т.Ҳайитбоев бошқарувидаги "Мерседес-Бенц" русумли автобус тўхтатилиб, текширувда ўтказилганда, унинг ёнасида 295 килограмм пиротехник воситалари мавжудлиги аниқланди. Суриштирувлар натижасида қарийб 700 минг дона, жами 20 миллион сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган ушбу сифатсиз маҳсулотлар Сурхондарё вилоятида яшовчи бир неча фуқароларга тегишли эканлиги маълум бўлди.

Пақилдоқларни хуфиёна тарзда қўшни Қозоғистон давлатидан қонуний равишда олиб киришга уринган Б. Абдуллаевнинг жиноий ҳаракатларига ҳам божхоначилар томонидан барҳам берилди: унга тегишли 30 минг дона пиротехника воситаси далилий ашё сифатида олинди. "Боймурод" ҳаракатдаги божхона пости ходимлари эса "ВАЗ-2121" русумли автоуловни текширганларида, Б.Ибрагимов ва А. Тўрага тегишли хорижда ишлаб чиқарилган 73200 дона "Трция" номли пиротехника воситаси борлиги аниқланди.

Давлат божхона қўмитасидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилнинг шу кунига қадар жами 75 та ҳолат бўйича 2,5 тонна миқдорида пиротехника воситаларилари юртимизга ноқонуний кириб келишининг олди олинган.

Кузатишлардан кўринадики, пиротехника воситаларининг юртимизга ноқонуний кириб келиши ҳолатлари йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида кўпаяди. Тўғри, бу иллатга қарши курашиш бевосита ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари вазифасига киради. Бироқ ота-оналар, маҳалла фаоллари, таълим-тарбия соҳаси ходимлари ҳам болалар ўртасида тушунтириш ишларини кенг йўлга қўйсалар, пақилдоқлар келтириб чиқариши мумкин бўлган нохуш оқибатларни улар онгига етказа олсалар, айни муддао бўларди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбирлари.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 30 январь куни соат 11.00 да

Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади.
Очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 11 апрелдаги 6851-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-даҳа, 4-уй, 67-хонадон манзилида жойлашган турар жой (икки хонали, иккинчи қават).
   Бошланғич баҳоси — 17 268 300 сўм.
2. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 11 апрелдаги 6850-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-даҳа, 14-уй, 39-хонадон манзилида жойлашган турар жой (уч хонали, биринчи қават).
   Бошланғич баҳоси — 22 940 700 сўм.
3. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 16 августдаги 11564/6-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 2-уй, 1-қаватдаги 168 кв.м.дан ташкил топган бино қисми. ***Бошланғич баҳоси — 126 894 000 сўм.***

Қизиқиш билдирган харидорларга ушбу мулкларни Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг туман суд ижрочилари бўлинмаси вакиллари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридаги закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93.

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 2007 йил 1 январь, душанба куни чиқади).

«TUR INFO SERVIS» МЧЖ
Ҳамюртларимизни кириб келаётган 2007 йил билан қутлайди.
Янги йилда сизларга бахт, омад, мустаҳкам соғлик тилаймиз.
БИЗНИНГ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ:
Ўқиш, иш, чет эл ва МДҲ давлатларида малака ошириш, халқаро дастурлар бўйича МАЪЛУМОТЛАР
Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 42-уй.
Тел.: 68-26-02, 360-84-77, факс: 360-93-82.

Қашқадарё вилояти, Қарши тумани, «Холмуродов Райим Бўриевич» фермер хўжалигига берилган муҳр ва штамп йўқолганлиги сабаби бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси «Маънавий-ахлоқий тарбия» бошқармаси бош мутахассиси Норим Раҳмоновга онаси **ХОСИЯТ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъатининг халқаро ҳуқуқий-ишлар бўйича ихтисослашган ҳуқуқий маслаҳатхона жамоаси адвокат Шаҳноза Пўлатовага отаси **Тоҳир ШУКУРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1457. 20731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Муҳаммадали Бекмуратов томонидан саҳифаланди.

(т) - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6